

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.31.01. 2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРИСҚУЛОВ ОЛИМЖОН ЖАҲОНГИРОВИЧ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ШАҲРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ирискулов Олимжон Жаҳонгирович

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар..... 3

Ирискулов Олимжон Жаҳонгирович

Социально – экономические и культурные процессы в городе Самарканде во второй половине XIX - начале XX века..... 23

Iriskulov Olimjon Jaxongirovich

Socio-economic and cultural processes in the Samarkand city in the second half of the XIX century and beginning of XX century 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.31.01. 2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРИСҚУЛОВ ОЛИМЖОН ЖАҲОНГИРОВИЧ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ШАҲРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2017.2. PhD/Tar123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайитов Шодмон Аҳмадович
тарих фанлари доктори, профессор

Тиллабоев Соипжон Боқижонович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.31.01. 2019. Таг.02.10. рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» «____» соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» __ кунда тарқатилди.
(2019 йил «__» __даги __ рақамли реестр баённомаси)

Сулаймонов Р.Ҳ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Нормуродова Г.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Саидов И.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг қадимги Афина, Рим ва бошқа шаҳарлари ўзининг диққатга сазовор маданий-тарихий ёдгорликлари билан замонавий жаҳон маданиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон шаҳарларининг ҳам жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси муносибдир. Айниқса, Самарқанднинг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни бекиёс бўлиб, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан «Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси» сифатида жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилди ва 2007 йилда шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи дунё миқёсида кенг нишонланди. 2019 йилда Самарқанднинг Жаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерациясига (WTCF) аъзо бўлиши эса, унинг келажакда жаҳон туризм марказига айланишидан далолат беради.

Ҳозирги даврда Самарқанднинг жаҳон маданиятида тутган мавқеи яна шундан далолат берадики, халқаро миқёсда бу қадимги шаҳарнинг тарихи, маданияти ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу муносабат билан, Самарқанднинг тарихий-маданий ривожланиш масалалари махсус лойиҳалар сифатида хорижнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ЮНЕСКОнинг МОТХИ, Оксфорд университети (Англия), Россия ФА ва бошқаларда¹ тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқандда юз берган ўзгаришларни тадқиқ этиш тарихий воқеиликни минтақа даражасида кўриш ва ҳар томонлама баҳолаш имконини беради, бу эса мавзунинг халқаро миқёсда долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни, унинг жаҳон ҳамжамияти давлатлари ва халқлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳамкорлик жараёнларининг ривожиди Самарқанднинг ўрни ўзига хосдир. Турли даврларда сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб келган Самарқанд тарихининг ҳар бир саҳифаси долзарб аҳамият касб этади. Шу ўринда, шаҳарнинг Россия империяси мустамлакаси, яъни XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларидаги маъмурий бошқарувдаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий трансформацияларнинг аҳоли ва жамият ҳаётига кўрсатган таъсири, шаҳарсозликнинг янги жиҳатларининг қарор топиши масалаларини аниқ ва изчиллик асосда тадқиқ этиш диссертациянинг Ўзбекистон тарихи фани соҳасида заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли ва 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича «Жамоатчилик

¹ ЮНЕСКО нинг Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти. <http://www.unesco-iiicas.org/ru/about>; <http://www.ox.ac.uk/>; <http://iea-ras.ru/>; <https://www.global.hokudai.ac.jp/>.

кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сонли қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларни ёритишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Самарқанд шаҳри тарихига оид бир қанча изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг яратилган даври, ёндошуви ва худудига мувофиқ тўртта гуруҳга бўлинди. 1. XIX-XX асрлар бошларига оид асарлар. 2. Совет даври тадқиқотлари. 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изланишлар; 4. Хорижлик муаллифлар асарлари.

Биринчи гуруҳга оид асарлар, асосан XIX- XX асрлар бошларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳ, олим, элчилар ҳамда Туркистонда фаолият юритган маъмурлар ва бошқалар томонидан яратилган бўлиб, мазкур асарлар Самарқанд шаҳрининг Россия империяси босқинидан олдинги ва мустамлака давридаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихини ўрганилиши билан ажралиб туради. Шулар орасида Н. Хаников, Е. Мейендорф ва бошқаларнинг асарлари², Самарқанднинг Россия босқинидан олдинги ижтимоий-сиёсий аҳволига эътибор қаратилган бўлиб, шаҳар аҳолиси сони, миллий-этник таркиби, машғулот турлари, шаҳарнинг марказ сифатидаги хусусиятига оид маълумотлар ёритилади.

А. Гребенкин, В. Радлов, В. Наливкин, Н. Кирпичников, М. Вирский ва бошқаларнинг³ тадқиқотларида эса, Самарқанднинг Туркистон генерал-

² Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. - 279 с.; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. - 182 с.; Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году // Путевые заметки. – СПб, 1868. - 140 с.

³ Юқорида номлари келтирилган муаллифлар тадқиқотининг кўпчилиги “Туркестанский сборник” тўпламида ўз ифодасини топган. Қаранг: Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зеравшанского округа // Туркестанский сборник. Т.52. - СПб., 1872-73. - С.510-514; Иванов Д. Русская земля. Самарканд, // Туркестанский сборник. Т. 67. – СПб. 1873. – С.55-70; Арандаренко Г. Из Самарканда // «Туркестанские ведомости», №22, 1880; Радлов В.В. Средняя Зерафшанская долина. – Записки русского географического общества по отделу этнографии. Т. IV. – СПб, 1880. – С.1-92; Вяткин В.А. Материалы исторической географии Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. VII. – Самарканд, 1902. С.101-83; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. – СПб., 1902. - С.192; Вирский М. Виноградарство в Самаркандском уезде // Туркестанский сборник. Т. 433. – Ташкент, 1907. - С.55-56; Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т.527. -Т., 1909. - С.110-163; Бржезицкий Г.А. Самаркандский уезд. Статистический обзор. 1909. - С.83; Вирский М. Хлопководство и хлопковая промышленность в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т. 527. – Т., 1909. – С.63-93; Наливкин В.Г. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – С.144; Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. I. Отдел. I. – СПб, 1911. - С.244; Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т. 554. –Т., 1915. – С.42-54; Давыдова С.А. Отчет 1890 г. Кустарная промышленность в Средней Азии. В кн.: Отчет и исследования по кустарной

губернаторлиги таркибидаги маъмурий ўрни, мустамлака даврида анъанавий ишлаб чиқариш билан бирга, янги иқтисодий муносабатлар, хусусан, савдо, саноат динамикаси, эски ва янги таълим тизими, аҳолининг ижтимоий аҳволи ва бошқа масалалар таҳлил этилади.

Биринчи гуруҳ тарихшунослик ишлари бўйича қисқача хулоса шуки, ушбу даврда яратилган асарларда қўйилган муаммо фақат айрим соҳалар билан боғланиши (аҳоли, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.), бироқ шаҳарсозликка оид трансформацияларни тўлиқ қамраб олмаслиги билан характерланади.

Иккинчи гуруҳ адабиётлар совет даврида олиб борилган изланишлар билан боғланиб, М.Массон, П. Иванов, С. Акрамов, Г.Чабров, О. Сухарева, М. Абрамов, Т. Саидкулов, Ю. Алескеров, В. Нильсен ва бошқа муаллифларга тегишлидир. Буларнинг орасида Самарқанд шаҳри маданий ҳаётининг айрим масалалари⁴, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар⁵, шаҳарнинг узок ўтмиши қаторида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихи ёритилган ҳаммуаллифликдаги монография⁶, шаҳарда савдо-сотик, ишлаб чиқариш масалалари⁷, шаҳарсозлик ва маҳаллалар тарихи⁸ қамраб олинган тадқиқотлар ўзига хос аҳамиятга эга.

Иккинчи гуруҳ тарихшунослик ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг айримларида қўйилган муаммо Самарқанд вилояти мисолида ёритилган, баъзилари эса шаҳар ҳаётининг фақат айрим масалаларини қамраб олади. Шу билан бирга, уларда мустабид совет тузуми даври ҳукмрон мафкураси асосида, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга синфийлик қарашлари билан баҳо берилгани боис, тарихий жараёнлар муайян даражада бир томонлама қарашларга асосланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг тарих фани соҳасида янгича назарий-методологик ёндошувлар асосида ҳамда давлатчилик концепцияси нуқтаи назаридан ишлар яратилди. Жумладан, Туркистон ўлкаси ва протекторатга айланган хонликларнинг мустамлака давридаги ижтимоий-

промышленности в России. Т. II. – СПб. 1894. - 136 с; Мансырев С.П. Базарная торговля в Самаркандском уезде // Справочная книжка Самаркандской области на 1898 год. Вып. VI. – Самарканд, 1899. - С.94-106; Заорская В.В., Александер К.А. Промышленная заведения Туркестанского края. – СПб., 1915. Вып. 1. – 558 с.

⁴ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград, 1927. – С. 706; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – М.: Наука, 1960. – С.509.

⁵ Чабров Г.И. Страницы истории Самарканда (1868-1916-гг). -Т., 1962. - 158 с.; Акрамов С.А. Самарканд в период столыпинской реакции (1908-1910 гг.). – Труды СамГУ, Вып. 136. - Самарканд, 1964. - С.143; Ахмеджанова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880-1917 гг). -Т., 1965. – С.140; Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. - Самарканд, 1970. - С. 253; Алескеров Ю.Н. Годы равные векам. Страницы истории Самарканда. -Т., 1973 С. 224.

⁶ Самарқанд тарихи. 1-том. – Ташкент, 1971. - 481 б.

⁷ Муқминова Р.Г. Очерк по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Т.: Фан, 1976. - С 156; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX—начала XX века. –Т.: АН УзССР, 1962. – С. 194.

⁸ Нильсен В.В. У истоков современного градостроительства Узбекистана XIX начало XX веков. - Т., 1988. –С.181; Абрамов М.М. Гузары Самарканда. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – 56 с.

сиёсий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар тарихи Д. Алимова, Д. Зияева, Н. Абдурахимова, Ш. Ғаффоров, Ж. Исмоилова, А. Кураҳмедов, Г. Нормуродова, С. Тиллабоев, А.Маликов, К.Каттаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди.

Мазкур *учинчи гуруҳни* ташкил этган изланишлар орасида, мустамлака даврида Тошкент шаҳри тарихи⁹, Самарқанднинг ўтмиш тарихи ҳамда жадиличлик ҳаракати тарихи¹⁰, Самарқанд вилоятининг иқтисодий ва маданий ҳаёти¹¹, кўчирилган рус аҳолиси тарихи¹², аҳолининг ижтимоий стратификацияси¹³, шаҳардаги модернизацион жараёнлар¹⁴, Самарқандлик таниқли шахслар¹⁵ тўғрисидаги тадқиқ этилган ишлар қўйилган муаммо учун назарий-методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тўртинчи гуруҳга мансуб хориж тарихшунослик ишларини яратилган даврига кўра икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмга Ўрта Осиёга ташриф буюрган хорижлик муаллифлар асарлари кириб, уларнинг эсдаликларида Россия босқинидан олдин ва мустамлака давридаги Самарқанд шаҳрининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг айрим жиҳатлари ёритилади¹⁶. Иккинчи замонавий хориж тарихшунослик ишларининг муҳим жиҳатлари эса, Россия империясининг Туркистон шаҳарларидаги бошқарув тизими ва шаҳар «янги қисм»ларининг вужудга келишига эътибор қаратилишидир¹⁷. Қисқача қилиб айтганда, хориж тарихшунослигида Самарқанд шаҳрининг тарихи тадқиқот муаммоси сифатида комплекс равишда тадқиқ этилмаган.

Хуллас, тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Самарқанд тарихи бўйича бир қатор изланишлар амалга оширилганига

⁹ Исмаилова Ж. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. - Т.: FAN VA TECHNOLOGIYA. 2004.– 139 б.

¹⁰ Алимова Д.А. История как история, история как наука. В 2-х т. – Т.: Узбекистан, 2009. Т.2. – 181с.; Алимова Д.А. Буряков Ю.Ф. Рахматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи (Қадимги даврлардан бугунги кунгача). -Т.: Art Flex, 2009. -148 б.; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида. - Т., 2013. – 338 б.

¹¹ Кураҳмедов А.Э. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт. (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида). Тарих фан. ... дис. автореф. –Т., 2001. - 27 б.

¹² Ғаффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). - Т.: Фан, 2006. – 224 б.

¹³ Нормуродова Г.Б. Социальные страты Самаркандской области в конце XIX начале – XX века: исторический анализ Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2011. 34 с.; ўша муаллиф. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси - Т.: Yangi nashr, 2013. - 170 б.

¹⁴ Маликов А.М. Из истории политической элиты Российской империи: деятельность графа Н.Ростовцева в Самарканде // Россия и Узбекистан: исторический опыт модернизации в процессе взаимодействия и диалога цивилизаций. - Ташкент: Paradigma, 2018. - С.44-53.

¹⁵ Каттаев К. Самарқанднома. – Т.: Mashhur press, 2017. - 308 б.

¹⁶ Борнс А. Путешествие в Бухару. Часть. III. – М., 1850. – С. 460-495; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - М., 1865. – 253 с.; Seymour Becker. Russia's protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva, 1865-1924. – London, 2004. - 348 p.

¹⁷ Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910 A Comparison with British India.-Oxford University Press 2008 . - 363 p.; Центральная Азия в составе Российской империи. –М.: Новое литературное обозрение, 2008. – 464 с.

қарамасдан, уларнинг баъзиларида қўйилган масала вилоят ёки умумтуркистон мисолида олинган бўлса, бошқаларида шаҳар тарихи алоҳида танланган соҳалар билан боғлиқ ёритилади. Демак XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихи бутунлигича ва алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган, бу эса танланган муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2010-2015) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд шаҳрининг XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд шаҳрининг Россия империяси босқини арафасидаги ижтимоий-сиёсий ўрни ва мустамлака даврида маъмурий бошқарув тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

Самарқанд шаҳри «Янги қисми» нинг шаклланиши ва хусусиятларини аниқлаш;

Самарқанд шаҳри ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги трансформацион жараёнларни, хусусан, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни аниқлаш;

Самарқанд шаҳрида анъанавий ишлаб чиқариш соҳаси билан биргаликда, янги иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши масалаларини тадқиқ этиш;

Самарқанд шаҳри таълим тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

Самарқандда илм-фан ва маданият соҳаларида амалга оширилган ўзгаришларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти масаласи белгиланган.

Тадқиқот предметини мустамлака даврида Самарқанд шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда тарихийлик, объективлик, тизимли таҳлил, муаммовий-хронологик каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд шаҳри Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган ҳолда, марказ сифатида қулай географик ҳудудда жойлашуви орқали метрополиянинг ундан ўлкани ҳар томонлама назорат қилишда ўзига хос форпост сифатида фойдалангани, «Янги шаҳар» қисми эса мустамлака маъмурият учун Самарқанд вилояти ва унинг марказини бошқаришда маъмурий-ҳарбий, ижтимоий-хўжалик вазифасини ўтаганлиги очиқ берилган;

Самарқанд шаҳрида юз берган ижтимоий-иқтисодий трансформациялар ижтимоий ҳаётга сезиларли таъсир кўрсатгани, хусусан, иқтисодий, миграция сингари омиллар аҳоли миллий таркибида ўзгаришларга сабаб

бўлгани, жамият ҳаётига Европа турмуш-тарзига хос янги жиҳатларнинг кириб келиши (маиший хизмат, ҳаёт, кийиниш, услуби ва б.) ҳамда «Эски шаҳар» ва «Янги шаҳар» аҳолисининг ўзаро интеграциялашуви (ғоявий, касбий, маданий) аломатларини пайдо бўлиши аниқланган;

Самарқанд шаҳри губернаторликнинг муҳим иқтисодий марказларидан бири сифатида, ўлкани иқтисодий жиҳатдан метрополия билан боғлаган транспорт ва коммуникация (темир йўл, телеграф, почта ва ҳ.з.) маркази сифатида роли ҳамда савдо, саноат ва товар-пул муносабатларини ривожлантирган давлат ва хусусий капиталларнинг етакчи маркази бўлганлиги жиҳатлари кўрсатиб берилган;

XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд Туркистон илм-фани, маориф тизимида ўзига хос ўрин тутган ҳолда, тарихий шаҳар мавқеига эга бўлиши орқали, бу ерда илм-фан жамиятлари ташкил топиб фаолият олиб боришининг аҳамияти, рус ва маҳаллий таълимдаги янгилашниш ва анъанавий ҳолатлар (таълим шакллари, янги ва эски ўқитиш услублари ва б.) аниқланган, шунингдек театр, санъат соҳасидаги ўзгаришларнинг аҳоли ҳаётига кўрсатган таъсир омиллари (маънавий, маданий ва б.) очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон давлатчилиқ тарихи Самарқанд шаҳри ва унинг Туркистон ўлкасидаги капиталистик муносабатлар жумладан, товар-пул, савдо, саноат муносабатларининг ривожланишида етакчилик мавқеига оид маълумотлар билан тўлдирилган;

Ёшлар миллий ғоясининг ўсиши ва халқ маънавий-тарихий тафаккурининг бойитилишига қаратилган XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқандда фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурӣ, Ҳожи Муин, Ҳожи Юсуф Мирфаёзов, Бобоёр Мирзокулов сингари миллий тараққийпарварларнинг маърифатпарварлик, халқпарварлик фазилатлари очиқ берилган;

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд шаҳарсозлигида Европа меъморчилик анъаналари услуби акс этган тарихий материаллар таҳлил қилинди ва туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида илмий истеъмолга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Самарқанд шаҳрининг XIX аср охири ва XX аср бошларига оид тарихи Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архив ҳужжатлари, тарихий манбаларга асослангани, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар република ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, XIX аср охири XX аср бошларида ўлка шаҳарсозлигида юз берган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий трансформацияларнинг шаҳар ҳаётига кўрсатган таъсир омилларига оид маълумотлар, хулосалар мустамлака даврга оид назарий ва методологик ёндошувларни мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда моддий ва маънавий мерос тарихини ўрганиш, таълим муассасаларида шаҳарсозлик тарихига доир махсус курслар ташкил этиш, Самарқанд тарихига бағишланган давлат дастурларининг бажарилиши ва фундаментал асарлар яратилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Самарқанд шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Самарқанд шаҳрининг XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларига оид ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик тармоқлари ҳамда шаҳарсозликда янги услубдаги меъморчиликнинг шаклланишига доир тадқиқот материаллари Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг «Хунармандчилик ва шаҳарсозлик» экспозициясини шакллантиришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги 01-12-10-2258-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий хулосалари XIX аср охири XX аср бошларига оид анъанавий ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда шаҳарсозликда юз берган ўзгаришларни очиқ беришга хизмат қилган;

Самарқанд шаҳрида юз берган ижтимоий-иқтисодий трансформациялар ижтимоий ҳаётга сезиларли таъсири, жамият ҳаётига Европа турмуш-тарзига хос янги жиҳатларнинг кириб келиши тўғрисидаги илмий янгиликлар «Бухоро мероси» илмий тадқиқот марказининг «Самарқанднинг Бухоро амирлиги ва мустамлака даври тарихи» мавзусидаги илмий лойиҳаларида фойдаланилган. (ЎзННТМА нинг 2019 йил 19 июлдаги 04-06/200-01-сон ва «Бухоро мероси» марказининг 2019 йил 20 апрелдаги 3-сон маълумотномаси). Такдим этилган материаллар XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанддаги ижтимоий-иқтисодий трансформациялар тарихини янги материаллар асосида кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга асос бўлган;

Самарқанд вилоят телевидениясида тадқиқотнинг XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанднинг сиёсий бошқарув тизимида тутган ўрни, маориф тизимида давлат сиёсатининг моҳияти билан маҳаллий таълимдаги трансформацион ҳолатлар ҳамда шаҳар маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ хулосалар «Мерос», «Мозийга саёҳат» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 4 апрелдаги 0902\14-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд маданий ҳаётидаги анъанавий ва трансформацион жараёнларни ёритиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та конференция ва семинарларда, жумладан, 4 та халқаро конференцияда, ҳамда 12 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг натижаларини чоп

этиш тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 138 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шахрининг маъмурий тузилиши ва бошқаруви**» деб номланган биринчи бобида, Россия империяси истилоси арафасида Самарқанд шахрининг ижтимоий-сиёсий ўрни, XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд шахрининг бошқарув тизимидаги ўзгаришлар ва Самарқанд шахри «Янги қисми»нинг шаклланиши таҳлил этилган.

Россия империяси истилоси арафасида Самарқанд шахри Бухоро амирлигининг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан саналган. XIX аср ўрталарида Самарқанд баланд қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, шаҳарнинг олтига дарвозаси - Сўзангарон, Қаландархона, Шоҳизинда, Пойқобок, Бухоро ва Хўжа Аҳрор бўлган¹⁸. Шаҳар табиати тўғрисида Абу Тохирхожа «Самария» асарида, «... шаҳар иқлими ажойиб ва мўътадил, шунинг учун уни “фирдавси монанд» деб таърифлашади»¹⁹, деб қайд этади. Дарҳақиқат, шаҳар иқлими, табиати ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб, XIX аср бошларида аҳолининг шаҳарга келиб жойлашиши кучайиб борган. Бу ўз навбатида, урбанизация жараёни ва аҳолининг демографик ҳолатига таъсир этмай қолмаган. Шу сабабли, XIX аср ўрталарида шаҳар ҳудуди кенгайиб борган. Н.В.Хаников бу ҳақида: «шаҳар айланаси 13 верстга, унинг квадрат юзаси 2280000 саженга ёки 2533,31 танобга тенг бўлиб, Бухоро шаҳри ҳудудидан 500 танобга катта»²⁰, деб маълумот берган. XIX аср 1-ярмида шаҳар аҳолиси сони динамикасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлган. Лекин бу тўғрисида шаҳарга ташриф қилган муаллифлар берган рақамлар ўртасида муайян фарқлар бор. Масалан, Мейендорф 1820 йилда Самарқандда 50 минг киши²¹, Н.Хаников 1841 йилда 25 минг, 1863 йилда А.Вамбери 20 минг ва 1868 йилда В.В.Радлов 10

¹⁸ Ҳодизода Р. Самарқанднома. – Т.: Тафаккур, 2011. – Б. 35.

¹⁹ Абу Тохир Хожа. Самария. - Т.: Мерос, 1989. - Б. 19.

²⁰ Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 100.

²¹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... – С. 90.

мингдан ортиқ киши истиқомат қилганлигини келтириб ўтишган²². Янги тадқиқотларда эса, 1868 йилда 30 минг аҳоли истиқомат қилганлиги таъкидланади²³. Шаҳар аҳолисининг этник таркиби ниҳоятда хилма хил бўлиб, ўзбек ва тожиклардан ташқари, араб, афғон, ҳинд, яҳудий ва бошқа миллий гуруҳлар яшаган.

Бу даврда Самарқанд шаҳри маъмурий жиҳатдан тўрт йирик даҳа (қисм)га бўлинган: 1. Пойқобок; 2. Қаландархона; 3. Хўжа Аҳрор; 4. Сўзангарон. Ўз навбатида Пойқобок 22 та, Қаландархона 20 та, Хўжа Аҳрор 22 та, Сузангарон 24 та гузар (махалла)дан иборат бўлган²⁴. Шаҳар микротопонимикасига мувофиқ гузарлар турли ном билан юритилган. Гузарларни аҳолининг умумий йиғилишларида сайланадиган оқсоқоллар бошқарган.

Россия империясининг Ўрта Осиёга қаратилган ҳарбий истилочилик ҳаракатлари натижасида, 1868 йил май ойида Самарқанд забт этилади. Шаҳар босиб олингач, унинг анъанавий бошқарув тартиби ва қонунчилик тизимида юз берган ўзгариш тўғрисида дастлаб 1868 йил 4 майда К.П. Кауфманнинг шаҳар аҳолисига эълон қилган мурожаатномасида ифода топади²⁵. Кейинги «Зарафшон округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»да эса, империя маъмуриятига дахлдор муассасаларни тузиш билан бирга, маҳаллий бошқарувга тегишли оқсоқол ва аминлар вазифалари қисман сақлаб қолинди. Бироқ амалда барча анъанавий бошқарув муассасалари қуйи инстанцион бўғин сифатида белгиланиб, рус маҳкамаларига бўйсиндирилиши билан уларнинг фаолияти ва ваколат доираси қисқарди. Самарқанд шаҳрида бошқарув қуйидаги таркибдан иборат бўлган: 1. Округда умумхалқ ишлари бўйича мудир ва шаҳар архитектори. 2. Округда суғориш ишлари бўйича мудир. 3. Округда акциз солиқлари бўйича мудир ва 4. Шаҳар ҳокими²⁶.

Самарқанд шаҳри Зарафшон округининг маъмурий марказига айлантирилгач, шаҳарда руслар истиқомат қилувчи «Янги шаҳар»ни вужудга келтириш чоралари кўрила бошланди. 1871 йилда «Янги шаҳар» учун округ ҳарбий губернатори назорати остида ҳарбийлар ва савдо ходимлари вакилларидан иборат махсус шаҳар кўмитаси ташкил этилган. Махсус шаҳар кўмитасига доимий беш нафардан иборат аъзолар тайинланган²⁷. Шу билан бирга, Туркистон ўлкаси айрим шаҳар марказларида 1867 йилги «Низом лойиҳаси»га мувофиқ, муниципал функцияларга эга бўлган ҳамда турли

²² Саиджулов Т.С. Самарқанд во второй половин XIX – начале XIX веков... – С. 9; Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства... – С. 100. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии... - 253 с.; Радлов В.В. Средняя Зерафшанская долина... – С. 92.

²³ Абрамов М.М. Социально-экономическая и культурная жизнь Самарқанда в XVI – первой половине XIX в. // Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Т., 1989. – С. 27; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида. - Т., 2013. – Б.111.

²⁴ Абрамов М.М. Гузары Самарқанда... - С. 4.

²⁵ ЎЗР МДА, И 1-фонд, 1-рўйхат, 213-иш, в. 9.

²⁶ ЎЗР МДА, И 1-фонд, 1-рўйхат, 213-иш, варақлар 8,9.

²⁷ ЎЗР МДА, И 1-фонд, 16-рўйхат, 747-иш, в. 4.

солиқ ва савдо божларини тақсимлаш ҳамда йиғиш билан шуғулланадиган жамоат хўжалик муассасалари ташкил этилган²⁸.

Самарқанд шаҳар бошқармасининг вазифа ва фаолияти тўғрисидаги Низом Зарафшон округи бошлиғи А.К.Абрамов томонидан ишлаб чиқилган ва бошқармага шаҳар бошқаруви бўйича ишларни топширган²⁹. Хусусан, бошқарма зиммасига шаҳар хўжалик ишлари, шаҳар қурилиши ва ободончилиги, шаҳар аҳолиси турмуш тарзини яхшилашга доир вазифалар ҳамда шаҳар полиция таркибини бошқариш ишлари юклатилган³⁰. Ушбу бошқарма мазмун-моҳиятига кўра мустақил эмас, балки идора хусусиятига эга бўлиб, шаҳар ишларини 1886 йилгача бошқариб келган. 1886 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги янги Низом»нинг қабул қилиниши муносабати билан Зарафшон округи тугатилиб, Самарқанд вилоятига айлантирилган³¹. Натижада, 1887 йил Самарқанд шаҳри хўжалик бошқармаси бутунлай тугатилиб, шаҳар бошқаруви бўйича барча ваколат ва мажбуриятлар Самарқанд уезди бошлиғининг зиммасига юкланган³². Самарқанд вилоятини бошқарган ҳарбий губернаторни ҳарбий вазир эмас, балки императорнинг ўзи тайинлаган³³. Вилоят ва унинг маркази Самарқанд шаҳрининг қулай географик ҳудудда жойлашуви эса, метрополиянинг ундан ўлкани ҳар томонлама назоратда ушлаб туришда форпост сифатида фойдаланишига имкон берган.

Империя ҳукумати томонидан Самарқанд шаҳрида дастлаб сиёсий-ҳарбий мақсадда қалъа вазифасини бажарган «қисм» шакллантирилган. Кейинроқ унинг ўрнида вилоят ва унинг марказини бошқаришда маъмурий-ҳарбий, ижтимоий-хўжалик ва бошқа вазифалар нуқтаи назаридан аҳамиятга молик «Янги шаҳар» ёки «Рус қисм» деб юритилган қисм барпо қилишга киришилган. 1875 йил 1 январда янги шаҳар қисмининг характерли композицияси ишлаб чиқилган бош режа тасдиқланган³⁴. Шаҳарда режали равишда ҳарбий ва маъмурий марказ бинолари мажмуаси шаклланган. Давлат бинолари, казармалар, ҳарбий ва фуқаро бинолар, омборлар, касалхоналар, ўқув юртлари, маданий-маърифий бинолар қурилган. Ушбу ҳудудда Европа меъморий услубларида маҳаллий меъморчилик анъаналари, қурилиш материаллари, амалий санъат наъмуналарига таъсир кўрсатиб ўзига хос янгиликлар юзага келди.

«Янги шаҳар»да жами 25 та кўча мавжуд бўлиб, умумий узунлиги 17 верст 156 сажени ташкил этган³⁵. Шундан 14 верст 236 саженга тош

²⁸ Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Т., 2002, - Б.56.

²⁹ ЎЗР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 12634-иш, в. 2.

³⁰ ЎЗР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 12634-иш, в.1.

³¹ Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими... - Б.56.

³² ЎЗР МДА, И 5-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, в.24; 1-рўйхат, 2-иш, в. 24.

³³ Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910 A Comparison with British India. - Oxford University Press, 2008. - P.296.

³⁴ Самарқанд ВДА. 1837-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, в.72.

³⁵ Справочная книжка Самаркандской области на 1893 год. Сост. М. Вирский. Вып II. – Самарканд: Изд. Сам. ОСК, 1894. – С. 2.

ётқизилган. Кўчаларнинг ҳар икки томонига икки қатор қилиб терак, айрим жойларда қайроғоч, акация ва заранг дарахтлари экилган. Шаҳар кўчаларида кўчанинг бир томонидан бошқа томонига сув ўтказиш учун 52 та ғиштдан терилган қувурлар ётқизилган. Кўчаларни 350 та керосин лампалар³⁶ ёритган. Шаҳар қурилиш ишларида маҳаллий аҳоли кучидан ҳам фойдаланилган. Масалан, шаҳарга сув маҳаллий аҳолининг эшаклари билан бочка ва кўзаларда Филатов булоғидан олиб келинган, 6-8 киши учун бир кунлик сув ўтказиш ойига 1 рубль ёки 1 р. 20 коп.ни ташкил этган³⁷.

Самарқанднинг «янги қисм»и шимол томонидан Барбат (ҳозирги Рудакий) кўчаси, шарқдан Эспланадная (ҳозирги Бўстонсарой) кўчаси, жанубий-шарқий томондан Абрамов бульвари ва жанубий-ғарбда Черняев (ҳозирги Маҳмуд Кошғарий) проспекти билан чегараланган.

Диссертациянинг «**XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳри ижтимоий-иқтисодий ҳаётида трансформацион жараёнлар**» деб номланган иккинчи бобида шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, анъанавий ишлаб чиқариш, савдо-сотик муносабатлари билан биргаликда, янги иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши: саноат корхоналари, транспорт ва коммуникация масалалари таҳлил этилган.

Самарқанд шаҳрининг Туркистон ўлкаси иқтисодий муносабатларида етакчи мавқеига эга бўлиши, хусусан, унинг темир йўл орқали ўлка марказларини боғлаши, худудга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши, савдо алоқаларининг ривожланиши кабилар билан кечган. Бу жараёнлар ўз навбатида, шаҳарда аҳоли сони ва ижтимоий таркибига таъсир кўрсатмай қолмади. Статистик маълумотларга кўра, 1893 йилга келиб шаҳарда 5298 та хонадон бўлиб, унда 26.490 киши яшаган бўлса, 1897 йилда 8337 та хонадон ва 54.900 киши, 1906 йилда 11066 та хонадон ва 66.666 киши аниқланган, шундан 50.692 киши эски шаҳарда яшаган. 1910 йилга келиб Самарқанд шаҳри аҳолиси 85.228 кишига кўпайганлиги қайд этилган³⁸. Тадқиқотларга кўра, 1879 йилда «Янги шаҳар» аҳолиси ижтимоий тузилишига кўра, заҳирадаги қуйи амалдор, сўнгра мешчан, деҳқон, истеъфодаги зобит, амалдор, дворян, савдогар, руҳоний ва бошқалардан иборат бўлган³⁹. Шаҳарнинг туб жой аҳоли таркиби эса, хизматчилар, диний табақа вакиллари, савдогар, хунарманд ва бошқалардан ташкил топган эди. Бироқ 1897 йилда ўтказилган биринчи аҳоли рўйхати маълумотида, маҳаллий аҳоли ижтимоий таркиби қайд этилмаган ва улар «бегоналар» тоифасига киритилган.

³⁶ Справочная книжка Самаркандской области на 1893 год. – С.2.

³⁷ Самарқанд ВДА, 1837-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, в.79.

³⁸ Первая всеобщая перепись населения Российской империи. Самаркандская область. – СПб., 1905. - С.24.

³⁹ Нормуродова Г. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси - Т.: Yangi nashr, 2013. – Б. 81.

Бу даврда шаҳарда юз берган иқтисодий трансформациялар натижасида аҳолининг миллий таркиби ҳам ранг-баранг бўлиб борди. Шаҳарга Европа давлатларидан, Россия империясининг миллий районларидан савдо-сотик, тадбиркорлик ва бошқа мақсадлар билан турли миллий гуруҳлар кириб кела бошлади. 1892 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотида кўра, «Янги шаҳар»да умумий 10.128 киши ҳисобга олиниб, шундан 3233 та рус, 303 та ўзбек ва тожик, 175 та яҳудий, 66 та эроний, 113 та немис, 85 та татар, 70 та армани, 65 та поляк, 18 та грузин, 14 та қирғиз, 8 та литвалик, 7 та грек, 6 та словак, 4 та француз, 3 та молдован, 3 та фин, 2 та белгиялик ва 1 нафар хитойликлар бўлган⁴⁰.

Юз берган трансформациялар қаторида жамият ҳаётида қарор топган янги жиҳатлар ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Булар жумласига Европа турмуш-тарзига хос ҳаёт тарзи, кийиниш услуби ва бошқа жиҳатлар, шунингдек, «Эски шаҳар» ва «Янги шаҳар»лар аҳолисининг ўзаро интеграциялашув аломатларининг пайдо бўлиши сингарилар киради. Ҳар иккала халқлар ҳаётида ҳамжиҳатлик муносабатлари айниқса, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда кўзга ташланади. Шаҳар ҳаётида истеъмол ва хўжалик буюмларига, тирикчиликка бўлган эҳтиёжлар сабаб, муайян соҳаларнинг кириб келиши хусусан, соат тузатиш, бўёқ ишлаб чиқариш, мебель қоплаш, расм солиш, бочка ясаш каби устахоналарнинг очилиши, фотосуратчилик, сувоқчилик каби касбларнинг пайдо бўлишига туртки берди⁴¹. Хизмат кўрсатиш соҳаларидан «Янги шаҳар»да меҳмонхона, такси хизмати, юк ташувчи извошлар фаолияти йўлга қўйилган. 1892 йилдан «кийим тозалаш» хизматининг зарурати билан шаҳар умумий кир ювиш хоналари қурилган.

Шундай ташкил этилган ижтимоий аҳамиятдаги муассасалардан яна бири – соғлиқни сақлаш соҳасида намоён бўлди. Маълумки, илгари халқ табobati муайян даражада ривожланган бўлса-да, бироқ тиббиёт мутахассислари етиштириш йўлга қўйилмаган эди. Таъкидлаш лозим, бу даврда Самарқанд шаҳрида янги қисмида айрим соҳалар сингари тиббий хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши эътиборга лойиқ. Бироқ шаҳар аҳолиси соғлигини сақлаш, санитария-гигиена ҳолатлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик турмуш эҳтиёжларидан фойдаланиш фақат «Янги шаҳар» аҳолиси учун яратилган бўлиб, «Эски шаҳар»да яшовчи маҳаллий аҳоли булардан мустасно эди.

XIX аср охирида Самарқанд вилоятига Россиядан капиталистик муносабатларнинг жадал суръатда кириб келди, Самарқанд шаҳри давлат ва хусусий тижорат банклари, фирмалар, савдо-саноат ширкати ва савдо уйларининг марказига айланади. Самарқанд шаҳрида XX аср бошларида Давлат банки (1890-1918 йиллар), Москва савдо банки (1901-1917 йиллар), Рус-Осиё банки (1912-1916 йиллар), Сибир савдо банки бўлимлари (1908-

⁴⁰ Справочная книжка Самаркандской области на 1894 год. - Самарканд, 1894. - С.8.

⁴¹ Алимova Д. ва б. Самарқанд тарихи... – Б.45.

1917 йиллар)⁴² фаолият кўрсатган. Самарқанднинг ўлкадаги ўзига хос иқтисодий мавқеи ҳудудлараро, минтақалараро савдодаги ўрни билан ошиб борган. Вилоятнинг шарқдан Фарғона водийси, жануби-шарқдан Афғонистон, Шарқий Бухоро, туркман ерларидан келадиган савдо йўллари, қолаверса Қашқадарё воҳаси билан, ғарбдан Бухоро, шимолдан Тошкент ҳудуди билан чегарадош бўлиши мазкур ҳудудлар билан товар айирбошлашда катта воситачилик ролини бажаришига сабаб бўлди. Натижада, Самарқанднинг савдо маркази сифатида нуфузи ортиб борди. Ҳатто баъзи савдо соҳалари бўйича вилоят ва унинг маркази ўлкада етакчи ўринда турган.

1888 йилги маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳри ишлаб чиқариш бўйича етакчи саналиб, вилоят бўйича заводларнинг катта қисми 54,5%, устахоналарнинг 28,9 %и, ҳунармандчилик устахоналарининг 66,8 %и, қоғоз тайёрлаш дастгоҳларининг 55,8 %и, сув тегирмонларининг 44,1 %и ва жувозларнинг 80,8 %и Самарқандда жойлашган бўлган. 1897 йил ҳолатига кўра, шаҳарнинг ҳар иккала «қисмлари» таҳлил этилганда, «Янги қисм»да 233 та савдо ва саноат ташкилотлари бўлиб, уларнинг савдо айланмаси 2.238.400 рублни ташкил этган. Савдонинг асосий қисми шаҳарнинг маҳаллий қисмида амалга оширилиб, у ерда мануфактура маҳсулотлари, чой, маҳаллий хом-ашё, турли маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳаммом, сартарошхона, пул алмаштириш шахобчалари бўлган. Бу ердаги умумий савдо айланмаси 13.461.335.0 рублни ташкил этган⁴³.

Бошқа томондан бу даврда шаҳарда муайян маҳаллий ҳунармандчилик тармоқлари қисқариб ҳунармандлар инкирозга юз тутиб борди. Бу ҳолатнинг сабаби тўғрисида гапирган рус маъмури, «империянинг иқтисодий сиёсати, солиқларнинг кўпайтириб борилиши ҳунармандларни ночор аҳволга туширган»⁴⁴-деб таъкидлаган. Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши, товар-пул муносабатларининг фаоллашуви маҳаллий аҳоли қатламларини янги иқтисодий муҳитга мослаштириб борди, натижада ишлаб чиқариш соҳалари ва ҳунармандчилик тармоқларида меҳнат қилувчилар сони ўсиб борди, мулкдорларнинг янги қатлами шаклланади.

